

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМий МАРКАЗИ

КЕНЖАЕВ СИРОЖИДДИН РАШИДОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЧАП
ҚОРИНЧА ДИСФУНКЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА
КВЕРЦЕТИННИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Кенжаев Сирожиддин Рашидович

Миокард инфаркти билан оғриган беморларда чап қоринча
дисфункциясини комплекс даволашда кверцетиннинг самарадорлиги 3

Кенжаев Сирожиддин Рашидович

Эффективность кверцетина при комплексном лечении дисфункции
левого желудочка у больных инфарктом миокарда 21

Kenjaev Sirojiddin Rashidovich

Efficacy of quercetin in the complex treatment of left ventricular
dysfunction in patients with myocardial infarction 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

КЕНЖАЕВ СИРОЖИДДИН РАШИДОВИЧ

**МИОКАРД ИНФАРКТИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЧАП
ҚОРИНЧА ДИСФУНКЦИЯСИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА
КВЕРЦЕТИННИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib240 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tipme.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аляви Анис Лютфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги

Расмий оппонентлар:

Шек Александр Борисович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каюмов Улугбек Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

А.И. Евдокимов номидаги Москва давлат
тиббиёт-стоматология университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси академиги

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) бутун дунё мамлакатларида ўлим ва ногиронликнинг асосий сабаблари ҳисобланади, улар орасида ST сегмент кўтарилган миокард инфаркти (STкМИ) етакчи ўринни эгаллайди. ЮҚТК даволашдаги кўплаб самарали дори препаратларини, ангиопластика ва хирургик даволаш усуллари клиник амалиётга кенг жорий этилиши каби ютуқларга эришилганлигига қарамай, ҳар йили 17,3 млн инсонни нобуд қилмоқда, айти пайтда бу дунёдаги барча ўлим сабабларининг 30%ини ташкил этади. Прогноз қилинишича, бу кўрсаткич 2030 йилда 23,6 миллионгача ошади¹. Жаҳонда, шу билан бир қаторда Ўзбекистонда охирги икки ўн йилликда юрак-қон томир патологиясидан касалланиш ва ўлим ҳолатларининг ошиши кузатилмоқда². Америка Юрак Ҳамжамияти маълумотларига кўра «бир йил ичида бирламчи миокард инфаркти (МИ) билан касалланиш 550 000, МИ рецидиви 200000 ҳолатни ташкил этади. STкМИ беморларнинг 15% нобуд бўлади ва шуларнинг ярмисида ўлим оқибати касаллик симптомлари бошланишидан бир соат ичида содир бўлади»³.

Жаҳонда ҳозирги кунда ўткир МИда реперфузия синдроми (РС) кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиб, уни эрта ташхислаш, прогнозни яхшилашда янгича ёндошувлар ҳамда даволаш, профилактикасида юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор экспериментал ва клиник илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Охирги йилларда 5-липооксигеназа ферменти ингибитори, биофлавоноид кверцетиннинг STкМИда миокард реперфузион шикастланиши (МРШ) жараёнларига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Миокард қарахтлигини РСнинг турларидан бири эканини инобатга оладиган бўлсак, STкМИ билан оғриган беморларда, реперфузион терапияга ва миокард дисфункциясига қаратилган кверцетиннинг таъсирини баҳолаш, РСни даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш шароитида кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифатини таъминлаш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада, хусусан, ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва уни шошилиш даволашда муайян натижалар мавжуд. Шу билан бирга, миокард инфарктида кўрсатиладиган ёрдамни такомиллаштириш мақсадида ушбу йўналишдаги илмий асосланган натижалар зарур. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар

¹Cardiovascular diseases // WHO Fact sheet №317. Updated 2017 May.

²Клинические протоколы диагностики и лечения сердечно-сосудистых заболеваний. Под руководством проф. Курбанова Р.Д. Ташкент. 2014г.

³ Mozaffarian D, Benjamin EJ, Go AS et al. Heart disease and stroke statistics - 2016 update: a report from the American Heart Association. Circulation. 2016;133:e38-e60.

стратегиясига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ҳозирги кунда STкМИ да тромболитик терапия (ТЛТ) ва шошилиш перкутан коронар аралашувлар (ПКА) ўтказишда МРШ хавфини, некроз зонасининг кичрайтириш орқали миокард систолик дисфункциясини камайтира оладиган янгича ёндошувлар ишлаб чиқиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инфарктга сабабчи тож томирни шошилиш реваскуляризация қилинганда, реперфузия синдроми (РС) ривожланади, бу бир томондан ифодаланаётган самарали реперфузиянинг яққол белгиси бўлса, бошқа томондан миокарднинг оғир дисфункциясига сабаб бўлиши, юрак ритмининг бузилиши ва ўлимга олиб келиши мумкин (Пархоменко А.Н. 2007). Ишемия зонасида миокарднинг қисқарувчанлик фаолияти қайтар бузилишларида, унинг реперфузиясида кардиомиоцитларнинг қисқарувчанлиги тикланишини кузатиш мумкин. Лекин баъзан STкМИда, реперфузия қарахт миокарднинг катта майдонларини шакллантиришга ҳисса қўшиши, чап қоринчадаги ўткир етишмовчиликнинг (ЧҚЎЕ) кучайишига олиб келиши мумкин (Kloner E.A. et al. 2000; Heusch G. 2006).

STкМИдан кейин чап қоринча (ЧҚ) миокардининг қайтар дисфункциясини аниқлаш билан функционал ҳолатини баҳолаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Инфарктдан кейинги миокард қайтар дисфункциясининг мавжудлиги, адекват реваскуляризациядан сўнг ЧҚнинг қисқарувчанлик фаолиятининг яхшиланиши ва ижобий прогноз билан боғлиқдир.

⁴ 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

STкМИда ЧҚ миокардининг қайтар дисфункцияси ривожланишининг асосида миокарднинг қўшимча реперфузион шикастланиши ётади. STкМИ билан оғриган беморларнинг ЧҚда миокарднинг қайтар ва қайтмас дисфункцияси ҳудудлари кенг миқёсда ҳосил бўлиши билан кечадиган МРШ ривожланишини олдини олиш учун, ЧҚЎЕнинг оғир шакллари ривожланишига йўл қўймаслик учун, кардиомиоцитларда ривожланаётган прогрессив шикастланишни ҳамда миокард ишемия/реперфузиянинг дастлабки сониясидан пайдо бўладиган метаболик бузилишни камайтириш лозим. Ҳозирги кунда МРШни даволашда ягона ёндашувлар мавжуд эмас, миокард реперфузиясида кардиопротекция масалалари охиригача ҳал қилинмаган. Шу боис кардиологлар, охириги пайтда миокард цитопротекция усуллари, юрак ишемик касалликларининг ўткир шакллари даволашдаги ишемия/реперфузия натижасида келиб чиқадиган метаболик бузилишларни тузатиш усуллари ишлаб чиқмоқдалар (Кожухов С., Пархоменко А.Н., 2006; Mamantavrishvili N., Sharashidze N. 2011).

Адабиётларга кўра (Пархоменко А.Н, Кожухов С. 2007), кверцетин препаратининг сувда эрийдиган шаклидан фойдаланиш тромболитик терапия натижаларига ҳамда STкМИ бўлган беморларни даволаш пайтидаги МРШ жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунга қадар ST сегмент кўтарилган миокард инфарктида дори воситаларининг реперфузион синдром оқибатларига – «миокард қайтар дисфункциясига» таъсири тўлиқ ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ўтказилишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази илмий-тадқиқот ишлари режасидаги №И-СС-2017-6-4 «Ўткир миокард инфарктида чап қоринча дезадаптив ремоделланишини прогнозлаш алгоритмларини жорий этиш» инновацион гранти доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади цитопротектор кверцетиннинг ST сегмент кўтарилиши ўткир миокард инфаркти билан оғриган, реперфузия қилинган беморларда чап қоринча миокардининг дисфункционал зоналарининг қайта тикланишига ва диастолик фаолиятига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир вақтнинг ўзида флавоноид, 5-липооксигеназа блокатори кверцетинни қўллаш орқали реперфузион терапия бажарилган беморлардаги STкМИнинг клиник кечишини баҳолаш;

STкМИ бўлган беморларда добутаминнинг кичик дозаси билан стресс-эхокардиографияни амалга ошириш орқали миокард қайтар дисфункция зоналарини аниқлаш;

STкМИ бўлган беморларда реперфузиядан сўнг, добутаминли стресс-эхокардиография давомида, бир ойдан сўнг чап қоринчанинг глобал ва регионал систолик фаолиятларини аниқлаш;

STкМИ бўлган беморларда реперфузиядан сўнг чап қоринча диастолик фаолияти ҳолатини касаллик кечиши давомида баҳолаш;

реперфузия ўтказиш вақти ва қарахтлашган миокард ҳолати, ҳамда миокард инфарктининг STкМИда чап қоринчадаги функционал ҳолати кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини исботлаш;

Тадқиқотнинг объекти: 134 нафар STкМИ билан оғриган 21 ёшдан 70 ёшгача бўлган (ўртача ёши $56 \pm 4,3$ йил) миокард реваскуляризацияси бажарилган беморлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: кверцетин препарати, ЧҚ систолик ва диастолик функцияларни эхокардиографик кўрсаткичлари, кичик дозадаги добутаминли стресс-эхокардиографияда чап қоринчанинг қайтар ва қайтмас дисфункцияларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: электрокардиография, эхокардиография, доплер-эхокардиография, кичик дозадаги добутаминли стресс-эхокардиография, кичик дозадаги добутаминли доплер-стресс-эхокардиография, коронарография.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба, ST сегмент кўтарилган миокард инфаркти билан оғриган, миокард реперфузияси амалга оширилган беморларда чап қоринча миокарди қайтар дисфункциясига кверцетин препаратининг таъсири исботланган;

ST сегмент кўтарилган миокард инфаркти билан оғриган, тромболитик терапия ва перкутан коронар аралашув амалга оширилган беморларда кверцетиннинг чап қоринча миокардининг функционал ҳолати, систолик ва диастолик фаолиятлари, касалликнинг клиник кечишига таъсирлари баҳоланган;

ST сегмент кўтарилган миокард инфарктида реперфузия ўтказиш вақти ва қарахтлашган миокард ҳолати ҳамда чап қоринча функционал ҳолати кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

илк маротаба, ST сегмент кўтарилган миокард инфаркти билан оғриган беморларда реперфузиядан кейин комплекс терапияга кверцетин қўллаш натижасида чап қоринча миокардининг яшашга лаёқатли соҳалари фаолиятининг тикланиш динамикаси оз дозадаги добутамин стресс-эхокардиографияси орқали баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ST сегмент кўтарилган миокард инфарктининг комплекс терапиясида реперфузия усуллари билан вақтда кверцетинни қўллаш орқали асоратлар кам учраши, реперфузия жараёнининг самарадорлиги ошишига имкон бериши асосланган;

ST сегмент кўтарилган миокард инфаркти билан оғриган беморларда касалликнинг 3–6 суткаларида кичик дозадаги добутаминли стресс-эхокардиография синамасини ўтказиш миокард қайтар ва қайтмас дисфункцияси соҳаларини аниқлаш, ўтказилган реперфузиянинг самарасини ва касаллик прогнозини баҳолаш имконини бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилганлиги, тасдиқланган ташхис ва терапия стандартларини, етарлича кузатишлар сонини, олинган рақамли маълумотларини замонавий компьютер технологиялари ёрдамида қайта

ишланганлиги, назарий ва амалий тадқиқот натижаларининг етарлилиги, амалий фаолиятда жорий этилганлиги, республика ва халқаро илмий анжуманларда илмий тадқиқот натижаларини муҳокама қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган хулоса ва киритилган таклифлар миокард инфарктида чап қоринча қайтар дисфункциясини ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга назарий жиҳатдан сезиларли ҳисса қўшишидан иборат. Миокардиал цитопротектор кверцетиннинг STкМИ бўлган беморларда реперфузия бажаришда реперфузия синдроми белгиларини пасайтириш ва турли хил ҳаётий хавфли асоратлар пайдо бўлиш хавфини камайтириши орқали намоён бўладиган клиник самарадорлиги илмий тасдиқланди. Тадқиқотнинг натижалари миокард инфарктида реперфузия синдроми, чап қоринча қайтар дисфункцияси патогенези, клиникаси, уни ташхислаш ва даволашга доир илмий хулосаларни такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган тадқиқотлар натижасида STкМИ билан оғриган беморларда тромболитик терапия ва ПКАдаги пухта ёндашувларини оптималлаштиришга эришилди. Ўткир миокард инфарктида реперфузия методлари билан бирга кверцетинни қўллаш иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Миокард инфарктининг эрта даврларида добутаминли стресс-эхокардиографияни қўллаб, миокард қайтар ва қайтмас дисфункцияларини аниқлаш ва кейинги асоратларни ривожланиши хавфини баҳолаш мумкин. Тадқиқот натижалари STкМИда реперфузион терапия самарадорлигини ошириш, касалликнинг дастлабки асоратлари частотаси ва шиддатини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миокард инфарктини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Добутаминли стресс-эхокардиография натижаларига боғлиқ ҳолда ST сегмент кўтарилишли ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритми» номли алгоритм соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 26 декабридаги №8н-д/72-сон маълумотномаси). Мазкур алгоритм ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларни олиб боришда тежамли ва қулай усул – оз дозадаги добутаминли стресс-эхокардиографияни қўллаб, миокард қайтар ва қайтмас дисфункциясини ва керакли терапияни ўз вақтида аниқланишига имкон берган;

даволаш ва диагностика сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро ва Наманган филиаллари клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 05 мартдаги №8н-з/29-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши иқтисодий самарадорликка олиб келган, миокард инфаркти билан

оғриган беморларнинг ҳаёти давомийлигини узайтириш, касаллик асоратларини камайитириш, беморларни стационарда бўлиши вақтини 1–2 кунга қисқартиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва республиканинг 8 та илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотга бўлган талаб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва мавзу тавсифи, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот давомида нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар билан изоҳланади.

Диссертациянинг **«Ўткир миокард инфарктида реперфузион шикастланиш ва миокард дисфункцияси»** деб номланган биринчи бобида миокарднинг реперфузион шикастланиши ҳақидаги замонавий қарашлар, қайтар миокардиал дисфункция, миокард гибернацияси ва қарахтлигининг ташхис усуллари, шу жумладан, добутаминли стресс-эхокардиография ҳақида, ST сегмент кўтарилиши билан кечувчи ўткир миокард инфарктини реперфузион даволашда кардиопротекцион усулларни батафсил ёритилган, ва биофлавоноид, 5-липооксигеназа ферментининг блокатори кверцетиннинг вена ичи шакли қўллаш таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи келтирилган. Тадқиқот 2007 – 2017 йилларда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида олиб борилди. Тадқиқот STкМИ билан оғриган 21 ёшдан 70 ёшгача (ўртача ёши $56 \pm 4,3$ йил) бўлган 134 нафар беморларни ўз ичига олади. Касаллик аломатлари юзага келишидан бошлаб, беморлар 6 соат ичида кардиотерапевтик реанимация бўлимига ётқизилган. STкМИ ташхиси клиник кўриниш ва электрокардиографик мезонларга асосан қўйилди.

Кириши мезонлари: ўткир МИнинг клиник кўриниши ва қуйида берилган мезонлардан камида биттаси: 1) икки ёки ундан кўп кўкрак тармоқларида ST сегментининг 2 мм дан ортиқ кўтарилиши ёки стандарт

тармоқларда ST сегментининг 1 мм дан кўтарилиши; 2) Гис тутамининг чап оёқчаларида пайдо бўлган ўткир блокада.

Истисноли ҳолатлар: 70 ёшдан юқори бўлганлар; оғриқли синдромнинг 6 соатдан ошиб кетиши; анамнезида МИ; тадқиқотнинг маълумотларига таъсир қилувчи ўткир соматик касаллик билан оғриган (мия қон айланишининг ўткир бузилишлари, онкологик, рухий ва жарроҳлик билан боғлиқ касалликлар) беморлар; беморларда добутамин билан стресс-эхокардиографияни амалга оширишга қарши объектив кўрсатмалар; беморнинг добутаминли стресс-эхокардиография бажарилишидан бош тортиши.

Тасодифий танлов усулида беморларнинг дастлабки клиник ва анамнестик маълумотлари ва ўтказилган асосий терапия бўйича статистик жиҳатдан фарққа эга бўлмаган икки гуруҳ шакллантирилди:

1-гуруҳга (асосий) – 66 беморлар киритилиб, реперфузион терапия билан бир вақтда ёки олдин, касалхонага ётқизилганидан сўнг стандарт терапияга қўшимча равишда 30–45 дақиқа ичида кверцетин томир ичига юборилди (Корвитин, Борщаговский ХФЗда ишлаб чиқарилган, Украина, флаконда 500 мг курук модда мавжуд), кўрсатмаларга мувофиқ (патент № 37575а): 1-кунида 0,5 гни 50 мл 0,9% натрий хлорид эритмасига эритилиб уч марта 2 ва 12 соат оралиғида, 2–3 кун давомида ўша дозадан икки марта 12 соат оралиғида, 4–5 куни 1 марта 0,25 г дозасида;

2-гуруҳга (назоратдаги) – реперфузия базис терапия фонида амалга оширилган 68 нафар бемор киритилди.

Барча беморларга антиагрегантлар, антикоагулянтлар, β-адреноблокаторлар, статинлар, АПФ ингибиторлари, нитратлар, глюкоза-инсулин-калий-магний аралашмани ўз ичига олган базис даволаш ўтказилди. 63 (47%) беморларда ТЛТ амалга оширилди. STкМИли беморларнинг 71 (53%) тасида бирламчи ПКА амалга оширилди. Тромболизис самарасиз бўлганда 12 соат давомида қутқарувчи 4 (3%) беморларда, 48–72 соат давомида тромболизисдан сўнг кечиктирилган ПКА 59 (44%) беморларда амалга оширилди.

Барча беморлар умумий клиник кўрик, электрокардиография, эхокардиография ва добутаминли стресс-эхокардиография каби текширувлар ўтказилди. Электрокардиограмманинг кунлик мониторинги, шунингдек, қон босими ва ЮУС (юрак уришининг сонини) Nihon монитори (Япония) ёрдамида кузатилди.

Эхокардиография касалликни биринчи куни, 3–6 куни добутамин синамасида, ҳамда касалликнинг 30 –кунида ўтказилди. Добутаминли стресс-эхокардиография касалликнинг 3-6 кунида ҳолатни барқарорлаштиргандан сўнг, миокарднинг (карахтлашган миокард) қайтар дисфункциясини аниқлаш учун қўлланилди. Синамани бажариш учун добутамин – гексал препарати (Германиянинг Hexal фирмаси) ишлатилган. Добутамин билан стресс-эхокардиографиянинг қисқа протоколи қўлланилган. Бунда добутамин, вена ичига 2,5 ёки 5, 10 ёки 20 мкг/кг/мингача дозада 3 дақиқа давомида дозаторда юборилди, кейинчалик дастлабки маълумотларни охирги натижалар билан

солиштирилди. ДС-ЭхоКГнинг ҳар бир босқичи учун глобал, регионар систолик функциялар, ЧҚнинг диастолик функциялари қайд этиб борилди. Локал қисқаришни сифат жиҳатидан баҳолаш 16-сегментли моделнинг 4 балли ўлчови бўйича амалга оширилди: 1-балл – нормокинез, 2-балл – гипокинез, 3-балл – акинез, 4-балл – дискинез.

1 балл ёки ундан ҳам юқорига кўтарилиган локал қисқариш кўрсаткичларининг яхшиланган сегментлари яшашга лаёқатли (карахтлашган) деб баҳоланди. Қисқаришда ўсишнинг йўқлиги ёки ёмонлашувида каракхт миокардни аниқлаш учун синамани манфий деб тан олинди. Тажрибанинг ҳар бир босқичи учун РКБИ (регионар қисқарувчанлик бузилиши индекси) ҳисоблаб чиқилди.

Добутамин билан стресс-доплер-эхокардиографияни амалга ошириш учун трансмитрал қон айланиш кўрсаткичлари баҳоланади. Трансмитрал қон айланиши чизиғи, дастлаб тинч ҳолатида ва ҳар бир стресс босқичларида бир вақтнинг ўзида қайд қилиб борилди.

Коронарография М. Jадкинс усулида Allura-20D Siemens фирмаси (Германия) ангиографик қурилмасида бажарилган бўлиб, маҳаллий анестезия остида (20 мл 0,5% новокаин эритмаси) S. Seldinger усулида феморал артериянинг перкутан пункцияси орқали катетеризация қилинган.

Коронар қон оқимини баҳолаш ва реперфузион терапиянинг самарадорлиги TIMI (Trombolysis in Myocardial Infarction) шкаласида амалга оширилди.

Олинган маълумотлар статистик дастурлар тўплами ёрдамида компьютерда ишланган. Беморлар гуруҳига мос келувчи дастлабки мажмуалар ўртасидаги турли қийматга эга сезиларли даражадаги фарқларни аниқлаш учун Стьюдент мезонидан фойдаланилди. Маълумотлар статистик жиҳатдан $p < 0,05$ қийматида ишончли деб топилди. Турли кўрсаткичлар орасидаги ўзаро муносабатлар корреляцион анализ орқали аниқланди. Боғланиш куввати корреляция коэффициентининг қиймати билан баҳоланди: кучли – $r = 0,7$ да ва ундан юқори; ўртача – $r = 0,3-0,7$ да; кучсиз – $r = 0,3$ ва ундан паст. Ўйналиш алоқалари корреляция коэффициентлари белгиси билан баҳоланди, t -тестида $p < 0,05$ кўрсаткичга эга бўлган коэффициентлар статистик аҳамиятга эга ҳисобланди.

Диссертациянинг **«ST сегмент кўтарилишли ўтқир миокард инфаркти билан оғриган беморларда чап қоринча миокарди қайтар дисфункцияси»** деб номланган III бобида тадқиқот натижалари тақдим этилган. STкўКС бўлган 134 нафар беморлардан Q МИ ташхисига трансформацияси 112 (83,6%), Q сиз МИ эса 22 (16,4%) ни ташкил қилди. Q МИ кверцетин гуруҳида назорат гуруҳидагиларга нисбатан кам ривожланган (39,6% қарши 44%). Q сиз МИ кверцетин гуруҳида 13 (9,7%) беморда, назорат гуруҳида эса 9 (6,7%) ривожланди.

Реперфузия вақтида кверцетинни қўллаш STкМИ беморларда оғрик синдроми бартараф этилишини ва беморлар ҳолатининг стабиллашувини тезлаштирди. Назорат гуруҳидан фарқли ўларок, асосий гуруҳдаги беморларда реперфузион юрак ритми бузилишлари кам ифодаланди. Асосий

гуруҳда якка, қўшалок, гуруҳли қоринчалар экстрасистолияси эпизодлари ва қоринчалар тахикардияси эпизодлари назорат гуруҳига нисбатан ишонарли равишда кам аниқланди. Миокард инфаркти рецидивланиши касалликнинг 12 суткасида назорат гуруҳидан 1 нафар беморда ривожланди; кверцетин гуруҳида МИ рецидивланиши кузатилмади. Инфарктдан кейинги эрта стенокардия назорат гуруҳида битта беморда кузатилди.

Кверцетин қабул қилган беморлар гуруҳида чап қоринча ўткир етишмовчилиги (ЧҚЎЕ)нинг клиник белгилари камроқ учради. Касалликнинг 1-куни ЧҚЎЕ нинг III синфи (Киллип таснифланиши бўйича) 4 (6,1%) беморларда 1-гуруҳда ва 7 (10,5%) – 2-гуруҳда; ЧҚЎЕ нинг IV синфи эса, навбати билан 2 (3,1%) ва 7 (10,5%) беморларда учради.

Икки ўлчовли ЭхоКГ, беморларда миокард реперфузиясидан сўнг дастлабки кун амалга оширилди ва ҳар икки гуруҳ беморларида ҳам глобал систолик чап қоринча функциясининг пасайиши кузатилди. Беморлардаги ЧҚ охириги диастолик ҳажми (ОДХ) 1-чи ва 2-чи гуруҳга мос равишда $163,3 \pm 1,3$ ва $164,8 \pm 1,1$ млни ташкил этди ($p > 0,05$). ЧҚги глобал систолик функцияларнинг кўрсаткичи ҳайдаш фракцияси (ХФ) иккала гуруҳда ҳам камайди – $46,8 \pm 0,5$ ва $47,0 \pm 0,3\%$. Ҳар икки гуруҳ ҳам чап қоринчадаги глобал систолик функцияси кўрсаткичлари жиҳатидан фарқ қилмади (1-жадвал).

ЧҚнинг локал қисқарувчанлигини батафсил баҳолашда сегментар қисқариш бузилишлари барча беморларда пайдо бўлганлиги аниқланди. 6 та (4,47%) беморда ЧҚнинг ўткир аневризмаси кузатилди. ЧҚда локал қисқаришни сифатли таҳлил қилиш учун 2144 та сегмент ўрганилди ва улардан 1050 таси нормокинетик (49%), 664 – гипокинетик (31%), 369 – акинетик (17,3%), 61–дискинетик (2,7%) эди. Ўртача регионар қисқаришларнинг бузилиши индекси $1,74 \pm 0,04$ ни ташкил қилди.

Беморларнинг 78 тасида (58%) асинергияга оид сегментлар ЧҚнинг олд томонида, 56 тасида (42%) эса орқа деворида аниқланди.

Кверцетин гуруҳида ўрганилган сегментларнинг умумий сони 1056 ни ва улардан нормокинезия 520 (49,2%), гипокинезия – 332 (31,3%), акинез – 182 (17,3%), дискинез – 22 (2,3%)ни ташкил этди. РҚБИ эса $1,72 \pm 0,03$ дан иборат эди. Таққослаш гуруҳида ўрганилган барча 1088 сегментларнинг нормокинезияси – 533 (49,0%), гипокинезияси – 337 (31%), акинезияси – 183 (16,8%), дискинезияси – 35 (3,2%) да қайд этилган. Назорат гуруҳидаги РҚБИ $1,74 \pm 0,02$ ни ташкил этган. Миокард асинергия соҳаси кверцетин гуруҳидаги 50,8% (536 сегментлар), назорат гуруҳида эса 51% (555 сегментлар) ташкил этди (2-жадвал).

СТкМИ билан оғриган барча 134 нафар беморда миокард дисфункцияси қайтарлигини ташхис қилиш учун касалликнинг 3–6 кунда ҳолат барқарорлашганидан сўнг, добутаминни оз дозада киритиш билан стресс-ЭхоКГ ўтказилди.

Добутаминни оз дозада киритиш билан систолада қоринчалараро тўсиқ қалинлашуви (ҚАТҚ), ҳар икки гуруҳда ҳам сезиларли даражада $28,5 \pm 0,8$ ва $28,7 \pm 0,9\%$ дан $52,5 \pm 0,9$ ва $50,5 \pm 0,8\%$ гача ошди. Добутаминнинг оз дозада киритилиши билан чап қоринча орқа деворининг қалинлашуви (ЧҚОДҚ)

иккала гуруҳда ҳам $65,2 \pm 0,7$ ва $63,4 \pm 0,7\%$ гача сезиларли даражада ошди. Кверцетинни қабул қилган беморлар гуруҳида ҚАТҚ ва ЧҚОДҚларда сезиларли даражада ўсиш кузатилди ва бу миокарднинг яшовчанлигидан, тирикчилигидан далолатдир (1-жадвал).

1-жадвал

ЧҚ глобал систолик функциянинг бошланғич, добутаминнинг оз дозасида ва бир ойдан кейинги кўрсаткичлари

	Бошланғич		оз дозада		бир ойдан кейин	
	I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ
ЮҚС	$68 \pm 1,2$	$66 \pm 1,2$	$75 \pm 1,4^*$	$72 \pm 3,4^*$	$65 \pm 1,8$	$64 \pm 1,2$
R-R, сек	$0,88 \pm 0,05$	$0,9 \pm 0,05$	$0,8 \pm 0,07$	$0,78 \pm 0,03$	$0,92 \pm 0,05$	$0,94 \pm 0,05$
ЧҚ ОДХ, мл	$163,3 \pm 1,3$	$164 \pm 1,2$	$162,3 \pm 1,3$	$163,4 \pm 1,3$	$164,4 \pm 1,6$	$166,5 \pm 2,1$
ЧҚ ОСХ, мл	$87,0 \pm 1,4$	$87 \pm 1,2$	$71 \pm 1,3^{*\wedge}$	$74 \pm 1,3^*$	$73,2 \pm 1,2^{**\wedge}$	$79 \pm 1,5^{**}$
ЧҚ ЗХ, мл	$76,4 \pm 1,3$	$77 \pm 1,5$	$91,5 \pm 0,9^{*\wedge}$	$88,8 \pm 0,8^*$	$91 \pm 0,9^{**\wedge}$	$86,7 \pm 1,1^{**}$
ЧҚ ХФ, %	$46,8 \pm 0,5$	$47,0 \pm 0,3$	$54,4 \pm 0,5^{*\wedge}$	$51,2 \pm 0,5^*$	$52,5 \pm 0,6^{**\wedge}$	$50,3 \pm 0,5^{**}$
ҚАТҚ, %	$28,5 \pm 0,8$	$28,7 \pm 0,9$	$52,5 \pm 0,9^*$	$50,5 \pm 0,8^*$	$52,5 \pm 0,7^{**\wedge}$	$48,5 \pm 0,4^{**}$
ЧҚОДҚ, %	$32,2 \pm 0,7$	$31,8 \pm 0,8$	$65,2 \pm 0,7^*$	$63,4 \pm 0,7^*$	$65 \pm 0,7^{**\wedge}$	$60 \pm 0,6^{**}$
МХ, л/мин	$5,2 \pm 0,1$	$5,1 \pm 0,08$	$6,8 \pm 0,07^{\#}$	$6,8 \pm 0,07^*$	$5,9 \pm 0,07^{\#\wedge}$	$5,5 \pm 0,18$
ЧБ, мм	$36 \pm 1,3$	$37 \pm 1,2$	$35 \pm 1,5$	$36,5 \pm 1,5$	$37 \pm 1,2$	$37,6 \pm 1,1$
$V_{\max}$ ЧҚЧЙ, м/с	$0,91 \pm 0,03$	$0,82 \pm 0,03$	$1,22 \pm 0,04^{\#\wedge}$	$1,02 \pm 0,03^*$	$1,07 \pm 0,03^{\#\wedge}$	$0,98 \pm 0,03$

Изох. $*$ - $p < 0,01$, $^{\#}p < 0,05$ – бошланғич маълумотлар билан солиштирилганда оз дозада фарқларнинг ишончилиги; $**p < 0,01$; $^{\#}p < 0,05$ – бошланғич маълумотлар билан солиштирилганда бир ойдан кейинги фарқларнинг ишончилиги; $\wedge p < 0,05$ - гуруҳларни бири бири билан таққослагандаги ишончилик;

Добутамин оз дозаси киритилганда ЧҚ ОДХнинг ҳар икки гуруҳда ҳам пасайиш тенденцияси кузатилди, бироқ, гуруҳ ичида сезиларли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$). ЧҚ ОСХнинг сезиларли камайиши, кверцетин олган 1-гуруҳга мансуб беморлардаги миокард реперфузияси ўтказилганда кузатилди ($p < 0,05$). Гемодинамик кўрсаткич ЧҚ зарбий ҳажми (ЗХ) добутамин оз дозасида кверцетин олган ва назорат гуруҳидаги беморларда ҳам $91,5 \pm 0,9$ мл қарши $88,8 \pm 0,8$ млгача ($p < 0,05$) сезиларли даражада ошди.

Добутаминни оз дозада киритиш билан ЧҚ ХФ 1 ва 2-гуруҳга сезиларли даражада ($54,4 \pm 0,5$ ва $51,2 \pm 0,5\%$ ($p < 0,01$) гача) ошди. Кверцетин олган беморларда ЧҚ ХФ нинг ишончли даражада ортиши кузатилди ($p < 0,01$).

ЧҚдаги регионар систолик функциялар иккала гуруҳдаги беморларда ҳам бузилган. Асинэргия кверцетин гуруҳида $8,12 \pm 0,7$ сегментда; назорат гуруҳида $8,16 \pm 0,8$ сегментларда борлиги аниқланди. Биринчи гуруҳдаги беморларда нормал миокард $7,88 \pm 0,5$; иккинчисида эса $7,84 \pm 0,7$ сегментларнинг борлиги аниқланди. Дастлаб, икки таққосланган гуруҳларда

асинергик ва нормокинетик сегментларнинг сонидagi фарк сезилмади ($p>0,05$).

1 ва 2-гурuх бeмopларига добутаминнинг оз дозада киритилиши билан гипокинетик сегментлар ўртасидаги карахт миокард ўртача $4,0\pm0,1$ ва $3,6\pm0,12$; акинетик сегментлар орасига $2,26\pm0,1$ ва $2,08\pm0,1$, дискинетик $0,05\pm0,07$ ва $0,03\pm0,05$ тасида аниқланган. Қайтар дисфункция гипокинетик сегментлар ўртасида, кверцетин қабул қилувчи бeмopларда, уни қабул қилмаган бeмopларга нисбатан анча юқори бўлган ($p<0,05$).

Кверцетин гуруҳида добутаминни оз дозада киритиш барча асинергик сегментлардан $6,32\pm0,16$; назорат гуруҳидагиларда $5,66\pm0,14$ сегментнинг контрактил функцияларини тиклади. Чунки бу сегментларда карахт миокард (қайтар миокард дисфункцияси) мавжуд эди. Қолган асинергик сегментлар қабул қилинган добутаминга жавоб бермаган, чунки бу сегментларда миокард некрози (қайтмас дисфункция) қайд этилган. 1 ва 2-гуруҳларда қайтмас дисфункция, асинергик сегментларда $1,8\pm0,1$ ва $2,45\pm0,1$ мос равишда аниқланди.

Добутаминга жавоб берган сегментларнинг миқдори (қайтар дисфункцияли сегментлар) миокард реперфузиясини амалга оширишда кверцетин олган бeмopлар гуруҳида, назорат гуруҳидагиларга нисбатан анча юқори ($p<0,05$) бўлган. Назорат гуруҳидаги бeмopларда добутаминга жавоб бермаган ($p<0,05$) сегментлар кўпроқ учради РҚБИнинг регионар систолик функция кўрсаткичлари оз дозада сезиларли даражада $1,17\pm0,03$ ва $1,25\pm0,03$ ($p<0,01$) гача камайди. (2-жадвал).

2-жадвал

ЧҚ сегментар систолик функциясининг бошланғич, добутаминнинг оз дозасида ва бир ойдан кейинги кўрсаткичлари

	Бошланғич		оз дозада		бир ойдан кейин	
	I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ
сегментлар сони	1056	1088	1056	1088	1056	1088
нормокинез, %	520-49,2	533-49,0	937-88,7	921-84,7	928-87,6	892-82
гипокинез, %	332-31,4	337-31,0	68-6,4	92-8,4	59-5,6	113-10,4
акинез, %	182-17,2	183-16,8	33-3,1	42-3,9	50-4,9	49-4,5
дискинез, %	22-2,2	35-3,2	18-1,8	33-3,0	19-1,9	34-3,1
РҚБИ	$1,72\pm0,03$	$1,74\pm0,02$	$1,17\pm0,03^*$	$1,25\pm0,03^*$	$1,19\pm0,04$	$1,32\pm0,03^{*\wedge}$

Изоҳ. * - $p<0,05$ - бошланғич маълумотлар билан солиштирилганда оз дозада фарқларнинг ишончилиги; $^\wedge$ $p<0,05$ - гуруҳларни бир бири билан таққослагандаги ишончилик

Миокард инфаркти (МИ) бўлган 134 нафар бeмopларда ЧҚнинг диастолик функцияси ҳолатлари ўрганилди. Бeмopлар икки гуруҳга ажратилган бўлиб: кверцетин олган 1-гуруҳ – 66 нафарни; кверцетин олмаган 2-гуруҳ – 68 нафар бeмopни ташкил қилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, трансмитрал қон оқиш (ТМҚО) гуруҳининг беморлари бошланғич ҳолати бўйича бир-биридан унчалик фарқ қилмаган. 1 ва 2-гуруҳ беморларида ЧҚнинг эрта тўлишининг максимал тезлиги (Е) мос равишда $58,0 \pm 2,4$ ва $56,0 \pm 2,6$ см/с ни ташкил қилган. ЧҚ диастолик функциясининг интегрирлашган кўрсаткичи – яъни Е/А нисбати мос равишда $0,83 \pm 0,02$ ва $0,79 \pm 0,02$ ($p > 0,05$) ни ташкил қилган. ЧҚнинг эрта тўлишининг тезлиги интегралли (VTIE) эса $9,8 \pm 0,6$ ва $9,6 \pm 0,5$ см бўлган ва бунда гуруҳлар ўртасидаги ишончли фарқлар аниқланмади. ЧҚ миокарднинг изоволюметрик бўшашиш вақти гуруҳдаги кверцетин қўлланган ва қўлланмаган беморларда мос равишда $100 \pm 5,0$ ва $103 \pm 5,6$ мс ($p > 0,05$) ни ташкил этди.

Допплер-эхокардиография маълумотларига кўра, ҳар икки гуруҳда тинч ҳолатда диастолик функция кўрсаткичлари бўшашиш турига кўра издан чиққан, кверцетин қўлланилмаган беморлар гуруҳида чап қоринча диастолик функцияси издан чиққанини кўпроқ ифодаланганлигини кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

СТкМИ билан оғриган, миокард реперфузияси бажарилган беморларда бошланғич, добутамин билан стресс-доплер-эхокардиография ўтказилгандаги ва 1 ойдан сўнгги ЧҚ диастолик фаолиятининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	кверцетин гуруҳи (n=66)			назорат гуруҳи (n=68)		
	Бошланғич	Оз доза	Бир ойдан сўнг	Бошланғич	Оз доза	Бир ойдан сўнг
Е, см/с	$58,0 \pm 2,4$	$72,0 \pm 1,8^*$	$73,0 \pm 2,0^{**}$	$56,0 \pm 1,6$	$67 \pm 1,1^{*\wedge}$	$66,4 \pm 1,1^{**}$
А, см/с	$69,4 \pm 2,8$	$58,3 \pm 1,0^*$	$57,2 \pm 2,2^{**}$	$71,2 \pm 3,0$	$62,2 \pm 1,0^{*\wedge}$	$63,4 \pm 1,7^{**}$
Е/А	$0,83 \pm 0,02$	$1,22 \pm 0,01^*$	$1,28 \pm 0,03^{**}$	$0,79 \pm 0,02$	$1,08 \pm 0,02^{*\wedge}$	$1,06 \pm 0,02^*$
АТ, мс	$109,0 \pm 2,0$	$108 \pm 2,0$	$109 \pm 2,0$	$110 \pm 1,2$	$109 \pm 2,0$	$108 \pm 2,0$
DT, мс	$188 \pm 10,4$	$190 \pm 9,6$	$190 \pm 7,6$	$186 \pm 9,4$	$186 \pm 9,4$	$187 \pm 9,34$
VTIE, см	$9,8 \pm 0,6$	$9,82 \pm 0,6$	$9,8 \pm 0,6$	$9,6 \pm 0,5$	$9,5 \pm 0,4$	$9,5 \pm 0,4$
VTIA, см	$7,6 \pm 0,5$	$7,5 \pm 0,4$	$7,5 \pm 0,4$	$7,6 \pm 0,5$	$7,7 \pm 0,5$	$7,6 \pm 0,5$
VTIE/VTIA	$1,18 \pm 0,1$	$1,3 \pm 0,1$	$1,3 \pm 0,1$	$1,26 \pm 0,1$	$1,22 \pm 0,1$	$1,23 \pm 0,1$
IVRT, мс	$100 \pm 5,0$	$90 \pm 3,6$	$94 \pm 3,6$	$103 \pm 5,6$	$94 \pm 2,1^*$	$96 \pm 2,0^*$

Изоҳлар: $^*p < 0,05$ – бошланғич маълумотлар билан солиштирилганда; $^{**} p < 0,05$ – бошланғич маълумотлар билан солиштирилганда бир ойдан кейинги фарқларнинг ишончлилиги; $^{\wedge}p < 0,05$ – гуруҳлар билан таққослаганда

Ҳар иккала гуруҳга добутаминни оз дозада берилишида Е юқори қиймати бошланғич маълумотларга нисбатан ишончли тарзда ошди, бунда кверцетин олган беморлар гуруҳида Е юқори қиймати нисбатан каттароқ

бўлди. Оз дозадаги добутамин ҳар иккала гуруҳда А юқори қийматининг ишончли пасайишига олиб келди. Оз дозадаги добутамин киритилганда Е/А нисбати мос равишда $1,22 \pm 0,03$ ва $1,08 \pm 0,02$ ни ташкил қилди ва кверцетин қўлланилган гуруҳда у сезиларли даражада ортди. ТМҚО вақт кўрсаткичларининг давомийлиги ўзгариши ишончли бўлмади.

